

ЎЗБЕКИСТОНДА СТАРАП ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Каримов Фарход Махмудович

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи
талабаси*

Аннотация

Ушбу мақолада стартаплар ва кичик корхоналарни молиялаштиришнинг амалдаги механизмлари борасида олиб борилган тадқиқотлар билан танишиб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистонда стартапларни молиялаштиришнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар фаолиятини молиялаштириш бўйича Ўзмилийбанк фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

стартап, венчур фонд, ангел инвесторлар, кредит, кредит портфели, “уруғ” босқичи, юникорн, рақамлаштириш, рақамли хизматлар

Аннотация

В данной статье рассматриваются исследования существующих механизмов финансирования стартапов и малого бизнеса. Также анализируется текущее состояние финансирования стартапов в Узбекистане и деятельность Национального банка Узбекистана по финансированию деятельности предприятий.

Ключевые слова

стартап, венчурный фонд, бизнес-ангелы, кредит, кредитный портфель, «посевная» стадия, единорог, цифровизация, цифровые услуги

Annotation

This article examines research into existing funding mechanisms for startups and small businesses. It also analyzes the current state of startup financing in Uzbekistan and the National Bank of Uzbekistan's efforts to finance enterprise operations.

Key words

startup, venture capital fund, business angels, loan, loan portfolio, seed stage, unicorn, digitalization, digital services.

Кириш

Сўнги йилларда ахборот технологияларининг ривожланиши, IT дастурлашиш фаолиятига яратилаётган имкониятлар, сунъий интеллектнинг

яратилиши стартап лойиҳаларнинг ишлаб чиқарилиши ҳажмига ижобий туртки бермоқда. Юртимизда стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай муҳит яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам тадбиркорлар билан 2025 йилда ўтказилган очик мулоқотда стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича экотизим яратилиши зарурлигини таъкидлади ва қуйидаги фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтди:

“Тадбиркорликни дастлабки босқичда – стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш экотизими яратилади. Жорий йил стартапларга илк бор 134 миллион доллар инвестиция кириб келди. Бу соҳада фаолиятини нолдан бошлаб, айланмасини 10 миллион доллардан оширган 50 дан зиёд маҳаллий компания пайдо бўлди.

Шу боис, стартапларни “оёққа турғазлаш” учун венчур жамғармалар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг учун IT парк ҳам 10 миллион долларлик жамғарма ташкил қилади. Шунингдек, стартап хориждан олиб келган ҳар 1 доллар инвестициясига давлат ҳам 1 доллар ресурс беради. Стартап ишланмаларини патентлаш ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш каби харажатларни давлат қоплаб беради. Умуман, бу соҳага 50 миллион доллар йўналтирилади” [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик корхона ва стартапларни молиялаштириш, унинг механизмларини такомиллаштириш, хориж тажрибасини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар қўллаб-қўлловчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, П.А.Дегтярев [2], А.Г.Аганбеян [3], А.С.Сироткин [4], С.Дутта [5], Л.Г.Паштова, Г.О.Баев [6] ва бошқалар бугунги кунда стартаплар ва кичик корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг ривожланишидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этганлар.

Хусусан, А.Г.Аганбеян кичик бизнесга бағишлаган китобида қуйидагича таъкидлайди: «Шуни тан олиш лозимки, кичик тадбиркорликнинг моҳияти нафақат максимал фойда олишда, балки эркинлик, ишнинг ижодий характерда эканлиги, ўзига хос мустақил турмуш тарзи каби номоддий эҳтиёжларни қондиришда ҳам ўз аксини топади. Буни эса ҳеч қачон фойда ва зарар рақамларида ифодалаб бўлмайди [3].

Стартапларни молиялаштиришда корпоратив акселераторлар, корпорациялар ва давлат компанияларининг иштироки бўйича П.А.Дегтярев ўз фикр-мулоҳазалари билан бўлишади. Акселераторнинг мақсади қисқа вақт ичида (одатда олти ойдан кам) портфел компаниялари капиталлашувини оширишдир (янги инвестиция босқичларини жалб қилиш ёки асосий кўрсаткичларнинг экспоненциал ўсиши орқали) Одатда, акселераторнинг

бизнес модели портфел компаниялари капиталидан юкори кўшлик билан чиқишга асосланган, шунинг учун аксарият акселераторлар дастлабки босқичдаги технология компаниялари билан ишлайди [2].

Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда стартаплар ва кичик корхоналарни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиёт тармоқларида янги бизнес йўналишларида инновацион ва юкори кўшилган қиймат берадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда стартап экотизимини ривожлантириш бўйича ижобий ишларни амалга оширилди.

“UzVC” миллий венчур фонди венчур жамғармаларни молиялаштирувчи “Фондлар фонди” сифатида қайта ташкил этилиб, жорий йилдан фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг стартап лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, устав фондида давлат улуши 50 фоиздан юкори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятларига венчур жамғармалар ташкил этиш, венчур инвестицияларни амалга ошириш ҳамда ишончли бошқариш шартномаси асосида бошқа венчур жамғармаларга ўз маблағларини бериш ҳамда стартап-студиялар ташкил этишга рухсат берилди.

Натижада жорий йилда 6 та венчур жамғарма ташкил этилиб, венчур капитал бозорида 11 та маҳаллий иштирокчи шакллантирилди, шундан Фондлар фонди 1 та (“UzVC”) ва венчур жамғармалар 10 та (“Aloqa ventures”, “IT Park Ventures”, “United Ventures”, “SQB Ventures”, “Asaka Ventures”, “Yoshlar ventures”, “UC Ventures”, “Semurg’ ventures”, “Sarmo Ventures”, “Imkon Ventures”).

Ушбу венчур жамғармаларнинг 4 таси (“UC Ventures”, “Semurg’ ventures”, “Sarmo Ventures”, “Imkon Ventures”) хусусий венчур жамғармалар ҳисобланади ва бу стартап экотизимини ривожлантиришда хусусий секторга ҳам катта имконият тақдим этилганидан далолат беради.

“UzVC” миллий венчур фонди томонидан стартап лойиҳаларни бошланғич босқичларда молиялаштиришга қаратилган ушбу “Sarmo

Ventures” va “Imkon Ventures” хусусий венчур жамғармаларига жами 1 млн доллар маблағни бошқарувга бериш бўйича битим имзоланди.

Тадбиркорлик субъектларининг стартап лойиҳаларини молиялаштириш учун киритилган жами венчур инвестиция миқдори 145 млн долларга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ-50-сон Фармони билан “UzVC” миллий венчур фонди ҳузурида стартап лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, инкубация ва акселерация дастурларини амалга ошириш ҳамда стартап лойиҳаларга инвестиция киритишга қаратилган Стартап лойиҳаларни мувофиқлаштириш маркази ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек кичик корхоналар фаолиятини молиялаштиришда банк кредитлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда Ўзмиллийбанк корхоналарни молиялаштириш бўйича бир қатор кредит маҳсулотларини тақдим этиб келмоқда.

Банк томонидан ажратилаётган кредитларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар катта улушни ташкил қилганини таҳлил жараёнида кўришимиз мумкин. Бу бир қараганда албатта ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Банк ресурслари базасида узоқ муддатга жалб қилинган маблағларнинг салмоғи қисқа муддатга жалб қилинган ресурсларга нисбатан камроқ. Бу ҳолат банкининг ликвидлилик рискинни келтириб чиқариши мумкин.

1-жадвал

Ўзмиллийбанк томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари учун тақлиф этилаётган кредит маҳсулотлари, уларнинг асосий шартлари [7]

№	Кредит маҳсулоти	Фоиз ка	Муддати	Ажратилган максимал та
1	Экспресс	25	5 йилгача	10 млрд. сўмгача
2	Имконият	23	3 йилгача	500 млн. сўмгача
3	Овердрафт	23	12 ойгача	1 млрд. сўмгача
4	Тезкор	26	18 ойгача	1,5 млрд. сўмгача
5	Енгил старт	24	3 йилгача	300 млн. сўмгача
6	Юксалиш	23	3 йилгача	3,5 млрд. сўмгача
7	Тараққиёт	23	4 йилгача	3,5 млрд. сўмгача
8	Бизнес ипотекаси	23	15 йилгача	10 млрд. сўмгача
9	Автокредит	23	4 йилгача	3,5 млрд. сўмгача
10	Валюта кредити	11	2 йилгача	Чекланмаган


Манба: банк расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди

Ҳозирги кунда Ўзмиллийбанк томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун бир қатор кредит маҳсулотлари тақлиф

этилмақда. Юқоридаги жадалда тадбиркорлар учун таклиф этилаётган тижорий кредит маҳсулотларининг асосий шартлари келтирилган.

Маълумки, кичик бизнес субъектлари ижтимоий бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам бериши, жамиятда ижтимоий тангликни камайтиришга имкон беришини инобатга олсак, кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлаш борасида амалдаги молиялаш механизмини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Мазкур механизмдан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакатимизда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг сонини ошириш мумкин. Бу мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик имкониятларини кучайтиришга ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзмиллийбанк ҳам кичик бизнес субъектларини кредитлаш фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда.



1-расм. Ўзмиллийбанк томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш натижалари [7]

Манба: Ўзмиллийбанк АЖ йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриш мумкинки, ўтган охириги уч йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми сезиларли равишда ортган. Хусусан, 2023 йилда уларга ажратилган кредитлар ҳажми 29850,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 65880,1 млрд. сўмни ташкил этган. Ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши 61 фоизни ташкил этган. Ажратилган кредитлар ёрдамида кичик бизнес субъектлари томонидан 21689 та иш ўрин яратилган.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон стартап бозори ва унинг ҳаёт айланишининг турли босқичларида молиялаштириш тузилмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатимизда бошланғич ва дастлабки босқичдаги молиялаштириш тобора кучайиб бормоқда. Европа бозоридан фарқли ўларок, венчур фондлари ва давлат корпорациялари орқали давлат инвестициялари муҳим рол ўйнайди. Европада бизнес ангелларлар бошланғич ва дастлабки босқичдаги молиялаштиришнинг энг катта улушини ташкил қилади, Ўзбекистон Республикасида эса венчур фондлари энг катта улушни ташкил қилади.

Стартапларни молиялаштириш манбалари, шакллари ва воситаларини ушбу тизимлаштириш натижаларидан стартап иқтисодиёти учун қонунчилик базасини ишлаб чиқишда ҳам, ҳаёт айланишининг турли босқичларида ўзбек стартапларини молиялаштириш амалиётига инвесторлар томонидан ҳам фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”
2. Дегтярев П. А. Особенности моделей инновационных корпоративных акселераторов и бизнес-инкубаторов // Казанский экономический вестник. 2018. № 4 (36). С. 45–50.
3. Аганбегян А.Г., Ершов М.В. Нет длинных денег – нет роста. Ведомости. 09.09.2020. URL: <https://www.vedomosti.ru/economics/articles/>
4. Сироткин А.С. Диджитализация и краудфинансы: особенности и перспектива в сфере финансовых технологий // Вопросы инновационной экономики. № 4 / 2019 URL: <https://1economic.ru/lib/41453>
5. Dutta S. Financing Innovation: A Complex Nexus of Risk & Reward // MPRA Paper. 2016. № 75584. URL: <https://mpra.ub.uni-muenchen.de/75584/>
6. Паштова Л. Г., Баев Г. О. Актуальные проблемы стартапов (малых производственных предприятий) в экономике России // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2015. № 37. С. 26–40.
7. www.nbu.uz – Ўзмиллийбанк АЖ расмий веб-сайти